

# ИНГИЧКА ТОЛАЛИ ҒЎЗАНИНГ ЯНГИ ТИЗМАЛАРИДА ГАРМСЕЛ СТРЕССИГА МОСЛАШИШ БЕЛГИ КЎРСАТКИЧЛАРИ

**Данабаев Абдумурод Бердиевич**

*Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази ингичка толали  
пахтачилик илмий-тадқиқот институти илмий ходими*

**Мурадуллаев Алишер Мурадуллаевич**

*Пахта селекцияси уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялар имий-  
тадқиқот институти докторанти, Тошкент вилояти Қибрай тумани*

**Аннотация:** Селекциянинг аналитик ва синтетик усулларидан фойдаланган ҳолда замонавий йўл билан яратилган маҳалий ва хорижий нав намуналари дурагайлашга жалб қилинган, улар асосида Сурхон воҳасининг экстремал шароитларида андоза навларга нисбатан серҳосил, тезпишар, тола чиқими ва сифати саноат талабларига жавоб берадиган касаллик ва зараркунандаларга нисбатан чидамли интинсив ўрта ва ингичка толали ғўза навларининг бошланғич ашёлари, дурагайлар ва тизмалар ажратиб олинди ҳамда янги навлар яратилди. Мазкур тадқиқотни мақсади ҳам Сурхон воҳасининг ноқулай – экстремал шароитларига бардошли I, IV-типга мансуб ўрта ва ингичка толали ғўза навларини яратиш ва жорий этишга йўналтирилган.

**Калит сўзлар:** Ғўза, тизма, ингичка тола, аналитик селекция, синтетик селекция, серҳосил, тез пишар тола чиқими, зараркунанда, экстремал.

**Аннотация:** Используя аналитические и синтетические методы селекции, образцы местных и зарубежных сортов, созданные современным способом, были вовлечены в гибридизацию, на основе которой в экстремальных условиях Сурханского оазиса интенсивная среднее и тонкое волокно устойчива к болезням и вредителям, что являются плодородными, быстросозревающими, по выходу волокна, качество которых соответствует промышленным требованиям, выделено исходное сырье тонковолокнистого хлопка, гибриды и линии, созданы новые сорта. Целью данных исследований

является создание и внедрение сортов средне- и тонковолокнистого хлопка I, IV типов, устойчивых к неблагоприятным и экстремальным условиям Сурханской области.

**Ключевые слова:** Хлопок, гребень, тонкое волокно, аналитический отбор, синтетический отбор, высокая урожайность, выход скороспелого волокна, вредитель, экстрим.

**Abstract:** Using analytical and synthetic breeding methods, samples of local and foreign varieties created in a modern way were involved in hybridization, on the basis of which, in the extreme conditions of the Surkhan oasis, intensive medium and fine fiber is resistant to diseases and pests, which are fertile, fast-ripening, fiber output, the quality of which meets industrial requirements, the original raw materials of fine-fiber cotton, hybrids and lines have been identified, and new varieties have been created. The purpose of these studies is to create and introduce varieties of medium- and fine-fiber cotton of types I, IV, resistant to unfavorable and extreme conditions of the Surkhan region.

**Key words:** Cotton, ridge, thin fiber, analytical selection, synthetic selection, high yield, quick ripening fiber yield, pest, extreme.

**Кириш.** Кейинги йилларда Сурхондарё, Қашқадарё ва Бухоро вилоятларида амал даврида хароратнинг кескин кўтарилиши, шунингдек гармселнинг кўп бўлиши туфайли ушбу вохаларда экилиб келинаётган ўрта толали ғўза навлари хосил элементларининг тўкилишига олиб келмоқда. Бу эса ўз навбатида фермер тхўжаликларда иқтисодий томондан анча зарарга олиб келиши кузатилди. Шундан келиб чиқиб юқорида айтиб ўтилган худудларнинг ўта иссиқ иқлимга бардоршли бўлган ғўза турлари ёки навлари жорий этиш бўйича ҳукумат даражасидаги чора-тадбирлар ишлаб чиқилди ва амалга ошириш вазифалари қўйилди. Шулар қаторида ўта иссиқ иқлимли худудларга ғўзанинг ингичка толали турига мансуб яратилган ғўза навларини жорий этиш ҳамда уларга мос бўлган агротехнологиялар тизимини тадбиқ этиш кўзда тутилган эди. Чунки, ингичка толали ғўза навлари биологик

хусусиятларга кўра, ўрта толали ғўза навларига нисбатан табиий экстримал шароитларига, жумладан, сувсизликка, гармселга ва бошқа табиий ноқулайликларга бардошли хисобланади. Шунингдек, ингичка толали ғўза навлари морфобиологик жihatдан ўрта толали ғўза навларидан фарқланади. Яъни поясининг тукланганлиги, барг пластинкасининг қалинлиги ва бошқа хусусиятлари уларнинг зараркунандаларга бардошли эканлигини кўрсатади. Бу айниқса, кейинги йилларда жанубий минтақаларда, жумладан Сурхондарё вилоятида ғўзанинг ғўза қандаласи каби ўта хавфли хашоратлар зараридан сақланишга фермер хўжаликларига қўл келади. Бу эса мамлакатимиз жанубий минтақалари пахтачилиги келажаги учун муҳим стратегик чоратадбирлардан биридир.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, Ўзбекистоннинг йирик селекционер олимлари М.С.Истомин ва Е.Г.Гавриловлар Сурхондарё вилояти шароитида ўрта ва ингичка толали ғўза навларининг воҳада гармселга бардошлилиги ўрганилганда ҳосил элементларининг тўкилиши ўрта толали ғўза навларида 75% ни, ингичка толали ғўза навларида эса 35% ни ташкил этиши аниқланган. Ўз-ўзидан ингичка толали ғўзалар ўрта толалиларга нисбатан воҳа иқлимига мос келиши исботлаб берилган. Ундан ташқари бугунги кунда Сурхондарё вилоятида сув ресурсларининг чекланганлигини ва хаво хароратининг нисбатан кўтарилишини ҳам эътиборга олиш керак деб ҳисоблаймиз. Шу нуқтаи назардан, ушбу воҳаларда ипак пахтани етиштириш Республика учун иқтисодий томондан мақсадга мувофиқдир. Шундай экан, Термизда ингичка толали ғўза етиштириш ва янги навлар яратиш ишлари давом этирилмоқда.

**Тадқиқот натижалари.** Чигит экиладиган туманларда ҳарорат билан намликнинг кескин ўзгариб туриши, шунингдек, қатқалоқ туфайли тупроқ аэрациянинг ёмонлашуви натижасида, экилган чигитлар баъзан сиқилиб қолиб, майса бермаслиги ёки нобуд бўлиши мумкин. Бундай ҳолат чигит эрта баҳорда экиладиган мўътадил ҳудудларда тез-тез учраб туради. Бундан

ташқари, Республикамизнинг кўпчилик ҳудудларида чигит экиш даврларида ёғингарчиликнинг миқдори, ҳаво нисбий намлигининг юқори даражада бўлиши ҳамда тупроқ ҳароратининг пасайиб кетиши, экилган чигитларнинг униб чиқишига салбий таъсир этиши мумкин ёки умуман униб чиқмасдан чириб кетиш ҳолатлари ҳам кузатилган.

Катта нав синаш майдонидаги чигитларнинг унувчанлиги 80-85,7% гача оралиқда бўлганлиги маълум бўлиб, бу ерда ижобий кўрсаткичлар Термиз-230 85,7 %, Термиз-233, Термиз-234 мос равишда 85% га тенг бўлганлиги аниқланди. Ушбу навлар назорат вариант Сурхон-14 навига нисбатан мос равишда 4,5; 4; 4 % га юқори бўлганлиги 2-жадвал маълумотларида қайд этилган чигитларнинг тўлиқ эрта униб чиқиши ҳосилдорлик тезпишарлик кўрсаткичларидан бири саналади.

2-жадвал

**Ингичка толали кичик ва катта нав синаш тажриба даласида чигит унувчанлиги. (% ҳисобида)**

Т/р	Навлар	I	II	III	IV	Ўртача
Кичик нав синаш майдони						
1	СТ-Сурхон-14	80	95	90	90	88,7
2	Л-96	75	95	90	95	88,7
3	Л-118	80	85	95	95	88,7
4	Л-261	90	95	85	95	91,2
5	Л-205	88	90	85	85	87,0
6	Л-128	85	85	90	90	87,5
Катта нав синови						
1	СТ-Сурхон-14	85	85	75	80	81,2
2	Термиз-230	90	90	85	78	85,7
3	Термиз-232	75	90	80	75	80,0
4	Термиз-233	85	90	85	80	85,0
5	Термиз-234	80	90	85	85	85,0
6	Термиз-235	78	85	90	85	84,5

Ингичка толали кичик нав синаш тажриба даласида олиб борилган биологик кузатувлар шуни кўрсатдики ўсимликларнинг кўсак сони кичик нав синаш майдонида 14,8-16,8 дона оралиғида қайд этилиб юқори кўрсаткич Л-205, Л-128 қайд этилди ушбу тизмалардаги кўсак сони мос равишда 17,2; 16,8; донани ташкил этди назорат вариант Сурхон-14 навига нисбатан эса мос равишда 2,2; 2,0 донага кўп кўсак сақланиб қолганлиги аниқланди. Тажриба майдонидаги Л-96, Л-118, Л-261 ларда ҳам кўсак сони мос равишда

15,4; 15,2; 15,7 дона кўса сақлиб қолганлиги кузатилди. Тола чиқми ва бир кўсакдаги пахта вазни бўйича ижобий кўрсаткичка эга бўлган Л-128, Л-205 тола чиқми мос равишда 37,2; 35,6 % га тенг бўлиб, бир кўсакдаги пахта вазни икки линияда ҳам бир хил яъни 3,4 г га тенг бўлган. Сурхон -14 навига нисбатан тола чиқми Л-128 3,7%, Л-205 1% бир кўсакдаги пахта вазни эса икки линияда ҳам мос равишда 0,6 г га юқори бўлганлиги билан ижобий бохоланди.

**Хулоса.** Ингичка толали ғўза тизмаларининг дала унувчанлиги андоза Сурхон-14 навига нисбатан 4-5 кунга юқори эканлиги аниқланди. Тезпишарлик бўйича ажратиб олинган тизмалар Л-205, Т-235, Т-232 Сурхон-14 ғўза навига нисбатан 2-3 кунга эрта гуллагнлиги ва тола чиқми ҳам назорат вариантга яқинлиги билан ижобий натижани кўрсатди. Л-128, Т-230, Т-232 тизмалар биологик хусусиятларига кўра юқори ҳаво ҳарорти ва гармсел шароитида ҳам кўп ҳосил элементларини сақлиб қолганлиги ва махсулдорлик, ҳосилдорлик, бир дона кўсакдаги пахта вазни ва эрта пишарлиги бўйича назорат вариантга нисбатан ижобий бўлиб, ушбу тизмалардан Сурхон-Шеробод воҳасининг экстремал шароитларига бардошли тезпишар интенсив ингичка толали ғўза навларини яратишда, бошланғич ашё сифатида фойдаланиш мумкинлигин кўрсатади.

### Адабиётлар

1. Carmo-Silva AE et al. Decreased CO<sub>2</sub> availability and inactivation of Rubisco limit photosynthesis in cotton plants under heat and drought stress in the field. // Environmental and Experimental Botany. 2012.-V.-83.-P. 1-11.
2. Gipson J, Joham H. Influence of night temperature on growth and development of cotton (*Gossypium hirsutum* L.). II Fiber properties // 1. Agronomy Journal. 1968.-V.-60 (3).-P. 296-298.
3. Meredith W. Influence of cotton breeding on yield and fiber quality problems. // In: Proc. Cotton Incorporated Annual Engineered Fiber Selection Conf., 18th, Memphis, Tn. Raleigh, NC: Cotton Inc.; 6-8 June 2005.

4. Фозилов Ш. М. Периодичность роста и формирования урожая у внутривидовых форм пшеницы //Интернаука. – 2019. – №. 45-1. – С. 18-20.

5. Amonova G. R., Rashidov N. E. Useful Properties of Medicinal Chamomile (*Matricaria Recutita*) //European journal of innovation in nonformal education. – 2024. – Т. 4. – №. 4. – С. 130-132.